


Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

IF(Impact Factor)9.573 / 2024

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyva - الماتريدية - Матуридизм



SLIB.UZ  
Scientific library of Uzbekistan

3/2024

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

**Уйғун ҒАФУРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Муҳаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Миср муфтийси

**Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 23 сентябрдаги 03-07/5757-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**Бош муҳаррир:**

**Жамолиддин Каримов,**  
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Муҳаррир ўринбосари:**

**Зафар Фахриддинов,**  
*Исломишунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори*

**Саҳифаловчи:**

**Зарифжон Арслонов**

**Дизайнер:**

**Зарифжон Ғуломов**

«Мотуридийлик» журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги  
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

**Тахририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

**E-mail:** maturidijournal.org

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

#### Qosimjon Sodiqov

Qur'oni karimning eski turkiy tildagi o'girmasi ..... 4

#### Shukrullo Jorayev

Ханафий мазхабида тинчликнинг кадрланиши ҳамда уруш ва низоли вазиятларда инсонпарварлик тамойиллари ..... 17

#### Ikhtiyor Abdurahmonov

XI-XII asrlarda Movarounnaxrda ханафий-мотуридий тафсир мактаби ривожи ..... 25

#### Abdullo Ghulomov

Махмуд Ломишийнинг «Тамҳид» асарида имон ва унга боғлиқ масалалар баёни ..... 32

#### Zohidjon Abdullayev

«Сунани Термизий» асарида келган ақидага оид ҳадислар таҳлили..... 42

#### Abdulaziz Yakhshilikov

«Ta'vilot al-qur'on» asarida oyatlar sababi nuzulining rivoyat qilish uslublari ..... 47

#### Doniyor Muratov, Robiyaxon Hamroqulova

Қуръон қиссалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 54

### ДИНШУНОСЛИК

#### Jamshid Aliev

Сурия мижаросида диний омилнинг ўзига хос хусусиятлари ..... 62

#### Ulugbek Jurayev

Германияда экстремизмга қарши курашиш тажрибаси таҳлили ..... 70

### ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

#### Irodakhon Gafurova

Scientific research dedicated to the confessions of Turkestan..... 77

#### Zafar Fakhriddinov

Ҳаким Термизийнинг ислом манбалари шарҳига оид асарлари таснифи ..... 83

#### Javohir Azimqulov

Arab istilosi davrida Turonda hunarmandchilik (VII asr o'rtalari- IX asr boshlari)..... 91

#### Abduvali Pardayev

Нусайр ибн Яҳё Балхий ҳаёти ва илмий фаолияти ..... 97

**Abduvali J. PARDAYEV,**  
*Researcher of the Imam Maturidi  
International Scientific Research Center.  
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: abduvaliamon4@gmail.com*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-3/13

## НУСАЙР ИБН ЯХЁ БАЛХИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

### THE LIFE AND SCIENTIFIC ACTIVITY OF NUSAYR IBN YAHYA BALKHI

### ЖИЗНЬ И НАУЧНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ НУСАЙРА ИБН ЯХЁ БАЛХИ

#### КИРИШ

Ислом тарихи давомида кўплаб мутафаккир олимлар ўзларининг илмий фаолиятлари орқали исломий билимларни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшганлар. Ана шундай буюк шахслардан бири Нусайр ибн Яхё Балхий бўлиб, у ўз давридаги илм-фаннинг турли соҳаларида чуқур билим ва юқори даражадаги мутахассис сифатида танилган. Балхий нафақат дин илмлари, балки фалсафа, мантиқ ва табиий фанлар соҳаларида ҳам катта ҳисса қўшган олим сифатида маълумдир. Унинг ҳаёти ва илмий мероси ислом илм-фани ва маданиятининг ривожига сезиларли таъсир кўрсатган.

Манбаларда бу зотнинг тўлиқ исми келмайди, балки фақатгина исми ва отасининг исмигина келтирилади. Имом Абул Вафо Қурошийнинг «ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия» китобида «Исми Наср бўлган кишилар боби»да ушбу олимнинг исми Нусайр эмас, балки Наср Балхий ҳолида ҳам учрашини айтиб ўтган. Бу киши Абу Сулаймон Жузжонийдан, Муҳаммад ибн Ҳасаннинг фикр илмини ўрганган. Нусайр ибн Яхё 268/881 йили вафот этганини манбаларда учратишимиз мумкин (Лакнавий, нашр йили кўрсатилмаган:221).

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Нусайр ибн Яхё Балхийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўрта асрнинг табақот, тарожим жанридаги манбаларда умумий маълумотлар

келтирилган. Жумладан, Абул-Муин Насафийнинг (ваф. 508/1114 й.) «Табсират ал-адилла», Носирийнинг (ваф. 652/1254 й.) «Нур ал-луме», Абдулқодир Қурашийнинг (ваф. 775/1373 й.) «ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия», Қосим ибн Қутлубғонинг (ваф. 879/1474 й.) «Тож ат-тарожим», Зириклийнинг (ваф. 1310/1893 й.) «ал-Аълум», Абдулхай Лакнавийнинг (ваф. 1264/1848 й.) «ал-Фавоид ал-бахия фи тарожим ал-ҳанафия», Самъонийнинг (ваф. 562/1167 й.) «ал-Ансоб», Ҳожи Ҳалифанинг (ваф. 1068/1657 й.) «Кашф аз-зунун», Каҳҳоланинг (ваф. 1408/1987 й.) «Мўъжам ал-муаллифин», Шамсуддин Заҳабийнинг (ваф. 748/1347 й.) «Сияр аълум ан-нубало», Абу Исҳоқ Шерозийнинг (ваф. 476/1083 й.) «Табакот ал-фуқоҳ», Ибн Надимнинг (ваф. 384/994 й.) «ал-Феҳрист», Кафавийнинг (ваф. 990/1582 й.) «Катоиб аълум ал-ахбор мин фуқоҳои мазҳаб ан-Нўъмон ал-мухтор», Ибн Яхёнинг «Шарҳ жумал усул ад-дин» каби асарларда буюк олим ҳақида айрим мўжаз маълумотларни учратишимиз мумкин.

Нусайр ибн Яхё нисбат берилган Балх шаҳри ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган қадимий шаҳарлардан бири хисобланади (Шаҳобиддин Абу Абдиллоҳ Яъқут ибн Абдуллоҳ Румий, 1906:713). Ўша даврда илм маркази хисобланган Бағдодга ўзга юртлардан, жумладан Балхдан илм истагида келган одамлар Абу Ҳанифа билан бир қаторда бошқа олимлардан ҳам илм олардилар ва юртларига қайтиб ўз илмларини тарқатардилар.

Манбаларда Абу Ҳанифанинг фикрларини шахсан ўзидан ёки шогирдларидан ўрганган Балхлик бир неча олимлар ҳақида баҳс юритилади. Уларнинг айримлари қуйидагилар:

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Сулаймон ибн Зиёд (ҳижрий II асрнинг иккинчи ярми).

Абу Умар ибн Муҳаммад ибн Маймун ибн Баҳр ибн Саъд ибн Раммоҳ (ваф. 171/787 й.).

Абу Муҳаммад Салим ибн Салим Балхий (ваф. 194/809 й.).

Абу Муте Ҳакам ибн Абдуллоҳ Балхий (ваф. 199/814 й.).

Абу Муоз Ҳомид ибн Сулаймон Балхий (ваф. 199/814 й.).

Нусайр ибн Яхё Балхий (ваф. 268/881 й.)

Айнан шу олимлар Абу Ҳанифа фикрларининг Хуросон, хусусан, Балхда кенг тарқалишида катта хизмат қилганлар. Ҳанафийлик таълимоти асосида етишиб чиққан олимлар Балхда юксак мақомларга эришганлар.



**Аннотация.** Мазкур мақола IX асрнинг таниқли ханафий фақиҳи Нусайр ибн Яхё Балхий ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган. Нусайр ибн Яхё ўз даврининг етук олимларидан бири бўлиб, фикҳ, ақида, усул ал-фиқҳ ва бошқа исломий фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган. У Абу Ханифа ва унинг шогирдлари – Муҳаммад Шайбоний, Абу Юсуф каби олимларнинг таълимини давом эттирган ва шу орқали ханафийлик мазҳабининг кенг ёйилишига ёрдам берган. Мақолада унинг илмий фаолияти, Балх шаҳридаги илмий муҳит ва ханафийлик таълимотининг минтақадаги тарқалиши хусусида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, мақолада Нусайр ибн Яхёнинг асосий устозлари ва шогирдлари ҳақида маълумотлар, уламолар силсиласи келтирилган бўлиб, бу илмий шажара орқали ханафийлик мактабининг Мовароуннаҳрдаги таъсири чуқур ёритилади. Манбаларга асосланиб, Нусайр ибн Яхё Балхийнинг Мотуридийлик ақидавий мактаби ривожига қўшган ҳиссаси айниқса, Имом Абу Мансур Мотуридий устозларидан бири сифатида тутган ўрни ёритилган. У ўз даврида фақиҳ ва мужтаҳид сифатида танилиб, фикҳий масалаларда кенг қўламли илмий ишларни амалга оширган.

Мақола тарихий манбалар, табақот ва таржимаи ҳол асарларига асосланиб ёзилган бўлиб, унда Нусайр ибн Яхё ҳақида камдан-кам учрайдиган маълумотлар, жумладан унинг Балхдаги фаолияти, шариат илмларидаги ўрни ва фикҳий мунозаралар келтирилган. Мақола ислом тарихидаги Мовароуннаҳр уламоларининг ролни ёритишига қаратилган ва ханафийлик таълимоти тарихи билан қизиқувчилар учун муҳим илмий манба сифатида хизмат қилади.

**Калим сўзлар:** Нусайр ибн Яхё Балхий, Балх, Мовароуннаҳр, ханафийлик, фикҳ, ақида, усул ал-фиқҳ, Абу Ханифа, Муҳаммад Шайбоний, Имом Мотуридий, устозлар, шогирдлар, ханафий мактаби, исломий илм-фан, тарихий манбалар.

**Abstract.** This article is dedicated to the life and scholarly contributions of the 9th-century prominent Hanafi jurist Nusayr ibn Yahya al-Balkhi. Nusayr ibn Yahya was one of the foremost scholars of his time, significantly contributing to the development of fiqh, aqidah, usul al-fiqh, and other Islamic sciences. He continued the teachings of Abu Hanifa and his disciples, including Muhammad ash-Shaybani and Abu Yusuf, facilitating the widespread dissemination of the Hanafi school. The article provides detailed information about his scholarly activities, the intellectual environment in Balkh, and the spread of Hanafi teachings in the region.

Additionally, the article presents information on Nusayr ibn Yahya's primary teachers and students, offering a lineage of scholars that highlights the extensive influence of the Hanafi school in Mawarannahr. Based on historical sources, the article discusses Nusayr ibn Yahya's contributions to the development of the Maturidi theological school, emphasizing his role as one of the teachers of Imam Abu Mansur al-Maturidi. He was recognized in his time as a jurist and mujtahid, conducting extensive work in jurisprudential issues.

Using historical sources, tabaqat (biographical literature), and biographies, the article presents rare information on Nusayr ibn Yahya, including his activities in Balkh, his contributions to Sharia sciences, and his engagement in legal debates. This study aims to shed light on the role of Mawarannahr scholars in Islamic history and serves as a valuable academic resource for those interested in the history of the Hanafi school of thought.

**Keywords:** Nusayr ibn Yahya Balkhi, Balkh, Mawarannahr, Hanafi school, fiqh, aqidah, usul al-fiqh, Abu Hanifa, Muhammad Shaybani, Imam Maturidi, teachers, students, Hanafi school, Islamic scholarship, historical sources.

**Аннотация.** Данная статья посвящена жизни и научной деятельности известного ханафитского фақиҳа IX века, Нусайра ибн Яхъи Балхи. Нусайр ибн Яхъя был одним из выдающихся ученых своего времени, оказавшим значительное влияние на развитие фикха, акиды, усуль аль-фикха и других исламских наук. Он продолжил обучение у таких ученых, как Абу Ханифа, Мухаммад Шайбани и Абу Юсуф, и таким образом способствовал распространению ханафитского мазхаба. В статье подробно рассматривается его научная деятельность, научная среда в городе Балх и распространение ханафитского учения в регионе.

Также в статье представлена информация об основных учителях и учениках Нусайра ибн Яхъи, а также о его ученой родословной, что позволяет более глубоко понять влияние ханафитского мазхаба в Мавераннахре. На основе источников рассматривается вклад Нусайра ибн Яхъи в развитие школы Матуридийской акиды, в частности, его роль как одного из учителей Имама Абу Мансура Матуриди. Он был признанным фақиҳом и мужтаҳидом своего времени, проводившим широкие научные работы по правовым вопросам.

Статья основана на исторических источниках, работах о биографиях ученых и пересмотрах текстов, в которых представлены редкие сведения о деятельности Нусайра ибн Яхъи в Балхе, его месте в шариатских науках и его участие в правовых дискуссиях. Эта работа освещает роль ученых Мавераннахра в исламской истории и служит важным научным источником для тех, кто интересуется историей ханафитского учения.

**Ключевые слова:** Нусайр ибн Яхъя Балхи, Балх, Мавераннаҳр, ханафизм, фикх, ақида, усуль аль-фикх, Абу Ханифа, Мухаммад Шайбани, Имам Матуриди, учителя, ученики, ханафитская школа, исламская наука, исторические источники.

Балхлик олимлар илм олишда фақат Абу Ҳанифа билан чегараланиб қолмай, унинг Муҳаммад Шайбоний, Абу Юсуф ва Зуфар каби шогирдларидан ҳам таълим олган эдилар. Абу Ҳанифанинг шогирдларидан таҳсил олган балхлик фақиҳларга Абу Саид Халаф ибн Айюб Амирий (ваф. 205/820 й.), Абу Усмон Шаддод ибн Ҳакам Балхий (ваф. 214/829 й.), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Юсуф ибн Маймун ибн Қудома Боҳилий Макиёний (ваф. 239/853 й.), Муҳаммад ибн Қосим Толлиқоний (III/IX асрнинг боши) ва Нусайр ибн Яҳё Балхий (ваф. 268/881 й.) каби олимларни мисол келтириш мумкин.

Ибн Закариё Яҳё ибн Исҳоқнинг «Шарҳ жумал усул ад-дин» асарида бир ривоят эътиборга моликдир: Мовароуннаҳрда ёки Хуросонда янги мусулмон бўлган киши мусулмонларнинг етмиш уч фиркага ажралиб кетганини эшитади. Шунда у қадарий ва мўътазилий бўлган кишилардан инсоннинг феъллари ҳақида сўрайди. Мўътазилийлар қуйидагича жавоб беради: «Мен истаганимни қила оламан ва ўзим хоҳлаган ҳар нарсага кучим етади». Янги мусулмон унинг фикрига раддия бериб дейди: «Мен бу эътиқодни танламайман. Чунки, бу эътиқод орқали Аллоҳнинг хоҳиш ва қудрати четга чиқиб қолмоқда». Шунда қадарий-мўътазилий: «Агар, менинг фикримни қабул қилмасанг, аҳли сунна вал-жамоа мазҳабига бориб кўшил», деб жавоб беради. Шундан сўнг янги мусулмон ўзи яшаётган жойдаги жамики фирқалар вакилларидан инсон феъли ҳақида сўраб чиқади ва биронтасининг ақидасини қабул қилмайди. У мурожаат қилган фирқаларнинг вакиллари «Агар бизнинг ақидамизни қабул қилмасанг, аҳли сунна вал-жамоа мазҳабига бориб кўшил», деган фикрни айтадилар.

У фирқа вакилларидан аҳли сунна вал-жамоа кимлар эканини сўраганида, улар қуйидагича жавоб берадилар: «Улар ҳар ерда аҳли сунна вал-жамоа номи билан танилганлар. Самарқандда «Дор ал-жузжония» ва «Дор ал-иёзия» аъзолари, Бухорода «Асҳоби Абу Ҳафс» (Абу Ҳафс ал-Кабир тарафдорлари), Балхда Нусайр ибн Яҳё тарафдорларидир. Улар аҳли сунна вал-жамоа қарашларини тарқатаётган илм аҳли ҳисобланадилар» (Ибн Закариё Яҳё ибн Исҳоқ, нашр йили кўрсатилмаган: 120а).

Бу ривоятдаги воқеалар турлича талқин қилинади. Аммо бу ерда келган Балх, Самарқанд

ва Бухоро Мовароуннаҳрнинг машҳур шаҳарларидан бўлгани аниқдир. Шу нуқтаи назардан юқоридаги маълумотларга суянган ҳолда минтақада ташкил топган «Ҳанафия таълимоти» тушунчасини «Мовароуннаҳр ханафий мактаби», деб аташ ўринли бўлади. Мазкур воқеада адашган тоифалар Балхда аҳли сунна вал-жамоа кимлар эканини танитишда Нусайр ибн Яҳё тарафдорлари, деб жавоб беришидан маълумки, ушбу олим ўз даврида аҳли сунна вал-жамоанинг соф эътиқодини Балх шаҳрига тарқатган, барча уни эътироф этган уламолардан бўлганини билиш мумкин.

Манбаларда Нусайр ибн Яҳё Балхий Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжонийдан (ваф. 200/816 й.) таълим олгани келади. Бу зот ўз даврининг машҳур фақиҳлари ҳисобланган Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг шогирди бўлган. Абу Ҳанифанинг «ал-Фикҳ ал-акбар» ва «ар-Рисола ила Усмон ал-Баттий» номли асарларини шу икки устозидан ривоят қилган. Шунингдек, у Муҳаммад Шайбонийнинг «ал-Асл» («ал-Мабсут») асарини ривоят қилган ва ўша нусха энг ишончли, деб эътироф этилган. Ўта такводор бўлгани учун Халифа Маъмун унга қилган қозилик таклифини жаҳли тез эканини баҳона қилиб рад этган (Ahmet Ak, нашр йили кўрсатилмаган:104). У «Дор ал-жузжония» мактабининг илк устози ҳисобланган.

Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳусайний Забидий ўзининг «Итҳоф ас-сода ал-муттақин би-шарҳ Ихё улум ад-дин» асарида Имом Мотуридийнинг устозларини санаш асносида Нусайр ибн Яҳёнинг устозлари ҳақида қуйидагиларни келтиради: «Нусайр ибн Яҳё Балхий ва Муҳаммад ибн Муқотил Розий иккиси Абу Муте Ҳакам ибн Абдуллоҳ Балхий ва Абу Муқотил Ҳафс ибн Муслим Самарқандийнинг кўлида таҳсил олишган» (Муҳаммад Муртазо Забидий, нашр йили кўрсатилмаган:5). Қуйида бу икки устоз ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак:

Абу Муте Ҳакам ибн Абдуллоҳ Балхий (ваф. 199/814 й.) Абу Ҳанифанинг яқин дўсти ва илк шогирдларидан ҳисобланган ва ундан «ал-Фикҳ ал-абсат» асарини ривоят қилган. У Абу Умар ибн Муҳаммад Раммоҳдан кейин Балхда ўн олти йил давомида қози бўлиб ишлаган ва ханафия ақидаси ҳамда фикҳий мазҳабининг тарқалишида фаол хизмат қилган. Абу Муте Балхий Абу Ҳанифанинг «ал-Олим вал мутааллим» китобини

Абу Муқотил Самарқандийдан ривоят қилиб, Абу Ҳанифанинг ақидавий мавзуларда берган жавобларини «ал-Фихқ ал-абсат» асарида жамлаган. Балхда ҳанафия ақидасининг тарқалишида ушбу асар ҳам муҳим аҳамият касб этган(Sönmes Kutlu, 2003:216). «ал-Фихқ ал-абсат» асарининг аҳамияти шундаки, унда «имон» мавзуга оид фикр юритилганда, имоннинг шартлари енгиллиги очикчасига баён қилиб берилган. Масалан, ислом шарияти ҳукм сурмаган ўлкаларда ислом динини қабул қилиб, фарз амалларини бажаролмай, фақат имон калимасининг ўзини тасдиқлаб вафот этган инсонларнинг мўъмин ҳукмида бўлиши очиб берилган. Турк тадқиқотчиси С.Қутлуғнинг таъкидлашича, бу ҳолат Хуросон ва Мовароуннаҳрда исломни қабул қилган, аммо фарз амалларни ўрганишга имкони бўлмаган янги мусулмонларнинг ислом динидаги ўринлари мустаҳкамланишига хизмат қилди. Айниқса, мовароуннаҳрлик туркий қабилаларнинг ёппасига ислом динини қабул қилишларида юзага келган ихтилоф ва муаммолар ўз ечимини топишида «ал-Фихқ ал-абсат» асарининг ўрни катта бўлган.

Абу Муқотил Ҳафс ибн Муслим Самарқандий (ваф. 208/823 й.) Абу Ҳанифанинг ўзидан таҳсил олган ва Самарқандга қайтиб, устозининг фикрларини тарқатган. Кейинчалик у машҳур «ал-Олим ва ал-мутааллим» асарини Самарқандга келтирган ва ундан сабоқ берган (Sönmes Kutlu, 2003:124).

Ривоятларда келтирилишича, Халифа Маъмун Хуросонда эканида муҳим бир ақидавий масала кўтарилган ва халифа кўзга кўринган хуросонлик барча олимларни тўплашга буйруқ берган. Лекин, ушбу масалани хуросонлик бирор олим ечиб бера олмаган. Йиғилганлар ушбу масалага фақатгина Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ёки унинг шогирди Абу Муқотил Самарқандий ечим топиши мумкинлигини айтишади. Шундан сўнг халифа бу масалани Абу Муқотил ечиб беришини таъкидлайди. Афсуски, манбаларда бу қандай масала экани зикр этилмаган. Лекин, ушбу воқеадан сўнг Абу Муқотилнинг Хуросон минтақасида ҳам обрўси ошиб кетгани айтилади.

Кўплаб манбаларда юқоридаги воқеаларга асосан Самарқандга ҳанафия таълимотининг

кириб келиши бевосита Абу Муқотил Самарқандий орқали содир бўлганига ишора қилинган.

Абу Ҳанифанинг шогирдлари ташкил этган ушбу мактаб кейинчалик кўп йиллар давомида ҳанафия таълимотида сабоқ берилган муҳим таълим марказига айланган. Ибн Закариё «Дор ал-жузжония»да таълим бериш билан шуғулланган олимлар силсиласини куйидагича тузиб чиққан:

1. Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит (ваф. 150/769 й.).

2. Имом Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф. 189/805 й.).

3. Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/816 й.).

4. Шайх Фақиҳ Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний (ваф. 250/864 й.).

5. Фақиҳ Имом Абу Абдуллох ибн Аби Бакр Жузжоний (ваф. 285/898 й.).

6. Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёзий (ваф. 275/889 й.).

7. Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944 й.).

Ушбу силсилага аҳамият берсак, ажабланарли ҳолат шундаки, Ибн Закариё тузган ушбу силсиладан биз юқорида тилга олган Абу Муқотил Самарқандийнинг номи тушиб қолган.

Нусайр ибн Яхёнинг машҳур устозларидан яна бири Абу Ҳанифанинг шогирди Ҳасан ибн Зиёд ҳисобланади. Бу ҳақида Муҳаммад Ҳифзурраҳмон Кумиллаий «ал-Будур ал-музия фи тарожим ал-ҳанафия» китобида куйидагича келтирган: «Ҳасан ибн Зиёд Абу Ҳанифанинг кўлида фикҳ илмини ўрганади. Ўз даврининг машҳур уламолари Довуд ибн Нусайр, Ҳаммод ибн Нусайр, Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа, Зуфар ибн Ҳузайл ва Абу Юсуф қабилардан фикҳ ва ривоят илмларини олган. Саид ибн Убайд Тоний, Абдулмалик ибн Журайж, Малик ибн Муғаввил, Вакий, Айюб ибн Алқама, Ҳасан ибн Имора ва Исо ибн Умар Ҳамадонийлардан ҳадис эшитган.

Шунингдек, ундан Фатҳ ибн Амр Куший, Абу Ҳишом Рифоий, Нусайр ибн Яхё Балхий, Муҳаммад ибн Самаоа Қозий, Исҳоқ ибн Баҳлул Танухий, Шуайб ибн Айюб Сурайфиний ҳамда Валид ибн Ҳаммод Луълуий каби бир қанча инсонлар илм олган» (Муҳаммад Ҳифзурраҳмон Кумиллаий, 2018:140).



Ҳасан ибн Зиёд асли Ироқлик бўлиб, Куфада яшаган. Отаси Зиёд ансорларнинг мавлоларидан бўлгани учун Ҳасан ибн Зиёд «Ансорий» нисбаси берилган. Бу зотнинг не чоғлик тақводор бўлгани борасида шогирди Нусайр ибн Яҳё ҳикоя қилиб шундай дейди: «Ҳасан ибн Зиёд кундалик ҳаётини бир неча қисмга тақсимлаган эди. Бомдод намозидан қайтиши билан кунининг аввалги қисмида илм мажлисида дарс берар, токи завол вақтига қадар фикҳий масалаларга шўнғиб кетарди. Шундан сўнг, пешин намозига қадар уйларига кириб айрим ҳожатларини бажарар, пешин намози вақти киргач, жамоат намозига чиқарди. Ундан то аср вақтига қадар воқелик масалалари учун ўтирар, асрдан кейин эса усул илмида мунозара қилар ва шом намозини ўқигач, уйларига нонуста учун тезда кириб чиқиб хуфтон намозига қадар ечимини топмаган чигал масалалар борасида музокара олиб борар эди. Хуфтон намозини адо қилганларидан сўнг, даврий ва васият борасидаги масалаларни то кечанинг учдан бирига қадар баҳс қилар эди. Илмдан ҳечам чалғимас, унинг бир ёрдамчи жорияси бўлиб, таомланиш, таҳорат ё шунга ўхшаш бирор зарурий иш билан машғул бўлса, ундан бўшагунга қадар олдиларида масала ўқиб бериб турарди» (Ибн Юсуф Кардарий, нашр йили кўрсатилмаган:209). Ҳасан ибн Зиёднинг фазилятларини зикр қилган Нусайр ибн Яҳё ундан таълим олган кишилардандир.

## МУҲОКАМА

Нусайр ибн Яҳё Балхий Аҳмад ибн Ҳанбалнинг замондоши бўлиб, у билан мунозара олиб борган. Муҳаммад Ҳифзурраҳмон Кумиллаий «ал-Будур ал-музийя фи тарожим ҳанафия» китобида қадимий манбалардан нақл қилиб, Нусайр ибн Яҳё Абу Ҳанифанинг қарашлари ҳақида Аҳмад ибн Ҳанбалдан сўрагани келтирилган. Уни Ибн Абу Авом Абу Аҳмад Иброҳим ибн Аҳмад Термизийдан ривоят қилади. Термизий Наср ибн Муҳаммад Саллам Балхийдан, у Нусайр ибн Яҳёдан эшитганини айтади. Нусайр ибн Яҳё Балхий айтади: «Мен Аҳмад ибн Ҳанбалдан мана бу киши, яъни Абу Ҳанифанинг айтаётганларига нима дейсизлар?, – дедим. Аҳмад ибн Ҳанбал жавоб бериб «раъй-қарашлар билан ҳукм чиқаради», – деди. Шунда, Молик ибн Анас ҳам ўзининг қарашидан

келтирмаганми?, – дедим. Шунда, «Ҳа, лекин Абу Ҳанифанинг қарашлари китобларда абадий қолди», – деди. Имом Моликнинг ҳам қарашлари китобларга ёзилган, дедим. Шунда: «Абу Ҳанифанинг қарашлари Моликникидан кўп», – деди. «Абу Ҳанифанинг ҳаққига муносиб тарзда, Имом Моликнинг ҳам ҳаққига муносиб гапирсангизлар бўлмайдими?, – деганимда жавоб бермасдан сукут сақлаб қолдилар. Аллох таоло барчаларининг илмидан бизни манфаатдор қилсин» (Муҳаммад Ҳифзурраҳмон Кумиллаий, нашр йили кўрсатилмаган:2018:131).

Юқоридаги ривоятдан маълумки, Нусайр ибн Яҳё Аҳмад ибн Ҳанбал билан яқин муносабатда бўлган. Аҳмад ибн Ҳанбал ёшлигида отасидан етим қолиб катта бўлган. Имом Абу Довуд Яъқуб Давроқийдан, у Аҳмад ибн Ҳанбалдан эшитишича, у зот 165/781 йилнинг рабиулаввал ойида туғилган. Манбаларда келишича, Аҳмад ибн Ҳанбал ўн беш ёшида илм талаб қилиб бошлаган. Бир қанча кўзга кўринган уламолардан илм олган, уларнинг қаторида Али ибн Мадиний, Қутайба ибн Саид, Абу Бакр ибн Абу Шайба кабилар киради. Аҳмад ибн Ҳанбал яшаган даврда ҳукуматни бир муддат мўътазилийлар бошқарган. Бунинг натижасида ҳукумат тарафидан оммани мўътазилийлик ақидасига тарғиб қилиниб, қарши чиққанларни турли жазолар билан жазолаш жорий қилинган. Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам «Халқ ал-Қуръон» масаласида тутқинликка учраган ва дарра урилиб, бир муддат ҳибсда сақланган. Бу ҳақида маноқиб борасида ёзилган китобларда батафсил маълумотлар учратиш мумкин.

Забидийнинг «Итҳоф ас-сода ал-муттакин» асарида келтирилишича, Имом Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан ҳамда Нусайр ибн Яҳё Балхийнинг устозлари Абу Муте Ҳакам ибн Абдуллоҳ Балхий ва Абу Муқотил Ҳафс ибн Муслим Самарқандийлар тўртталови Имом Абу Ҳанифадан фикҳ илмини ўрганишган (Муҳаммад Муртазо Забидий, нашр йили кўрсатилмаган:7).

Тарихий манбаларда Нусайр ибн Яҳёнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида кам маълумотлар келгани каби, унинг устозларига доир маълумотлар ҳам жуда кам. Қуйида Балхийнинг устозларига оид манбаларда келган шажарани кўрсатиб ўтамиз:

Турк тадқиқотчилари Сўнмас Қутлуғ ва Аҳмад Оқ манбаларга асосланган ҳолда Имом





Мотуридий устозларининг силсиласини икки хил тартибда тузганлар (Ahmat Оқ, нашр йили кўрсатилмаган:42). Мазкур силсилада Нусайр ибн Яхёнинг устозларини кўришимиз мумкин:

Олмон тадқиқотчиси У.Рудольф томонидан ҳам келган силсилада Нусайр ибн Яхёнинг устозлари кимлар бўлганини кўришимиз мумкин:


**НАТИЖА**

Юқорида турк тадқиқотчилари Сўнмас Қутлуғ ва Ахмат Оқ манбалар асосида тузган Мотуридий устозлари силсиласида Нусайр ибн Яхёни ҳам кўриш мумкин. Муртазо Забидий



Имом Баъзидан нақл қилиб: «Нусайр ибн Яхё Балхий Имом Абу Мансур Мотуридийнинг устозларидандир, деган (Баъзий, 2017:11).

маълумотлардан қатъи назар, фақат айрим манбалардагина Мотуридий юз йилга яқин умр кўрган, деган иборалар ишлатилган. Лекин,



Абу Мансур Мотуридий Нусайр ибн Яхёнинг кўзга кўринган энг катта шогирдларидан ҳисобланиб, алломанинг таваллуд санаси хусусида ҳам турли ихтилофлар бўлган. Аксарият манбаларда бу сана 256/870 йил, деб кўрсатилган. Бироқ, араб тадқиқотчиси Муҳаммад Айюбнинг таъкидлашича, Мотуридий тахминан 238/853 йил атрофида туғилган. Унинг эътибор беришича, Мотуридийнинг устозларидан Муҳаммад ибн Муқотил Розий 248/862 йили, Нусайр ибн Яхё Балхий эса 268/881 йили вафот этган. Агар, Мотуридий 256/870 йили туғилгани тахмин қилинса, устози Муҳаммад ибн Муқотил вафот этганида у ҳали дунёга келмаган, Нусайр ибн Яхё вафот этган пайтда ўн бир ёшли бола бўлгани келиб чиқади. Бу эса ҳақиқатдан йироқдир (Муҳаммад Айюб, нашр санаси кўрсатилмаган:264). Бизнинг фикримизга кўра, Мотуридийнинг 238/853 йил атрофида таваллуд топгани мантиққа яқинроқдир. Бунга юқоридаги статистик маълумотлар ҳам гувоҳлик бермоқда. Биз юқорида келтирган статистик

аксарият табақот китобларида унинг таваллуд санаси 256/870 йил деб кўрсатилган. Алломанинг вафот этган санаси ҳақида барча табақот китобларида бир хил маълумот, яъни 333/944 йил деб кўрсатилган.

Манбаларда, Нусайр ибн Яхёдан илм олган ва унга шогирд бўлган уламолардан Абул Қосим Саффор Балхий (ваф. 326/938) ва Муҳаммад ибн Муҳаммад Саллам Балхийларни (ваф. 305/917) учратишимиз мумкин. Абул Қосим Саффор Балхийнинг асл исми Аҳмад ибн Исмаил бўлиб, «Ҳам» лақаби билан танилган. Бу зот кўпроқ Абу Жаъфар Ҳиндувонийдан ҳадис нақл қилган. Алломанинг вафот этган санаси борасида Муҳаммад Ҳифзурраҳмон Кумиллаий ханафий ровийларга бағишланган асаридида 87 ёшида 326/938 йили вафот этганини келтириб, Имом Кафавий зикр қилган санага муҳолиф келишини айтган.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Саллом Балхий Абу Ҳафс Кабирнинг яқинларидан бўлган. Юқорида зикр қилинган Нусайр

ибн Яхё Аҳмад ибн Ҳанбал билан мунозара қилган ривоятни айнан шу зот нақл қилган. Ҳифзурраҳмон Кумиллай Ҳасан ибн Зиёд ҳақида келтирилган ўриндаги ривоят Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Саллам Балхийнинг таржимаи ҳолидаги ривоятдан фарқ қилади. Лекин, ҳар икки ривоятни Муҳаммад ибн Саллам Балхий устози Нусайр ибн Яхё орқали ривоят қилган. Бу ривоятни Қози Абдулқодир Қураший ҳам «ал-Жавоҳир ал-музия» асарида келтирган. Ҳифзурраҳмон Кумиллай «ал-Будур ал-музия» асарида келтирилган нақлда ровийлар силсиласи келтирилмаган. Шунингдек, Нусайр ибн Яхё исмини Яхё ибн Нусайр кўринишида чалкаштириб келтирган. Қуйида, ушбу ривоятни ҳам келтириб ўтамиз:

Яхё ибн Нусайрдан, у айтади: Мен Аҳмад ибн Ҳанбалга:

– «Бу кишига (яъни Абу Ҳанифага) нима айб юклагингиз?», – дедим.

– «Раъйдан фойдалангани», – деди (Фикҳий масалаларда нақлга суянган ҳолда ақл назариясини ҳам ишга солиш).

– «Молик ибн Анас ҳам раъй билан фатво бермайдими?», – дедим.

– «Ҳа, лекин Абу Ҳанифанинг раъйи китобларда абадий қолди», – деди.

– «Имом Моликнинг раъйи ҳам китобларда абадий қолди», – дедим.

– «Абу Ҳанифанинг раъйдан кўпроқ фойдаланарди», – деди.

– «У ҳақида ҳам, бу ҳақида ҳам гапирмайсизми», – дедим. У киши жим бўлиб қолди.

Абдулқодир Қураший «ал-Жавоҳир ал-музия» асарида Нусайр ибн Яхёдан Абу Ғиёс Балхий ҳадис ривоят қилгани ва Нусайр ибн Яхё 268/881-882 йили вафот этгани келтирилган. Ушу асардан бошқа ханафий уламолар таржимаи ҳолига бағишлаб ёзилган асарларда Нусайр ибн Яхёдан ҳадис ривоят қилган олим Абу Ғиёс эмас балки, Абу Итоб кўринишида ҳам келганини учратиш мумкин. Муҳаммад Ҳифзурраҳмон Кумиллай «ал-Будур ал-Музийя» асарининг шарҳ қисмида шундай келтиради: Айрим нусхаларда «Абу Итоб» кўринишида ҳам учрайди. бунинг сабаби, асл қўлёзма манбаларда араб ҳарфлари нуқтасиз бўлишидир Муҳаммад Ҳифзурраҳмон Кумиллай, нашр йили кўрсатилмаган: 2018:125). Ҳанафий уламоларнинг таржимаи ҳолига бағишланган асарларни

қидириш жараёнида Абу Ғиёс Балхий ҳақида автобиографик маълумотлар учратмадик.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Нусайр ибн Яхё Балхий Мовароуннаҳр диёридан етишиб чиққан буюк алломалардан ҳисобланади. Бу зотнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида тарожим ва табақот жанрида ёзилган асарларда жуда кам маълумотлар учрайди, асарлар ёзганлиги ҳақида эса ҳеч қандай маълумотлар келмаган. Лекин, манбаларда фикҳ, усул ал-фикҳ ва ақида илмида кўзга кўринган уламолардан бўлганлиги такидланади.

Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳусайний Забидий ўзининг «Иттиҳаф ас-саада ал-муттақин би-шарҳ Ихё улум ад-дин» асарида Имом Мотуридийнинг устозларини санаш асносида, Нусайр ибн Яхёни ҳам тилга олганларини кўриш мумкин. Демак бундан хулоса қиладиган бўлсак, Нусайр ибн Яхё Балхий мотуридийлик таълимотини тизимга солиб, уни асослаб берган олим Имом Мотуридийнинг асосий устозларидан бирдир.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абул Ҳасанот Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. (нашр йили кўрсатилмаган). Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожим ал-ханафия. Қоҳира: дор ал-кутуб ал-исламия.
2. Забидий. Муҳаммад Муртазо. (нашр йили кўрсатилмаган). Иттиҳаф ас-сода ал-муттақин. Ж. 2. Байрут: Дар ал-кутуб илмия.
3. Яъқут Ҳамавий. (1906). Муъжам ал-булдон. Ж. 1. Қоҳира: Tahsin Yazici.
4. Муҳаммад Мухрус Абдуллатиф. (1977). Машойих Балх минал ханафия ва ма инфараду биҳи минал масоил ал-фикҳия. Ж. 2. Бағдод: ад-Дор ал-арабия лит тибба.
5. Sönmez Kutlu. (2000). Turklerin Islamlaşma Suresinde Mürçie ve tesirleri. Ankara.
6. Абдуллоҳ ибн Умар ибн Муҳаммад. Абдулхай Ҳусайний таржимаси. (1932). Фазоил ал-Балх. Техрон.
7. Ибн Закариё Яхё ибн Исҳоқ. Шарҳ жумал усул ад-дин ли Аби Салама Самарқандий. Қўлёзма. Туркия. Сулаймония кутубхонаси. Раисулқуттоб бўлими. Инв. 690.
8. Ahmet Ak. (нашр йили кўрсатилмаган). Mâturîdî ve Mâturîdîlik.
9. Ибн Ҳажар. (нашр йили кўрсатилмаган). Лисон ал-мезон. Ж. 5.

10. Муҳаммад Ҳифзурраҳмон Кумиллай. (2018). «ал-Будур ал-музия фи тарожим ал-ҳанафия. Ж. 6. Қоҳира: Дар ас-солиҳ.
11. Муваффақ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Маккий. (нашр йили қўрсатилмаган). ал-Маноқиб. Ж. 2. Муассасат ан-нашр ал-исламий.
12. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шихоб ибн Юсуф Кардарий. (нашр йили қўрсатилмаган). ал-Маноқиб ал-Кардария фи сират ал-Имам Аби Ҳанифа. Ж. 2.
13. Камолиддин Баёзий. (2007). Ишарот ал-маром. Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия.
14. Муҳаммад Айюб. (нашр йили қўрсатилмаган). Ақидат ал-ислом вал Имом ал-Мотуридий.
5. Sönmes Kutlu. (2000). Türklerin İslamlaşma Süresinde Murcie ve Tesirleri. Ankara.
6. Abdullah ibn Umar ibn Muhammad. Translation by Abdulhayy Husayni. (1932). Faza'il al-Balkh. Tehran.
7. Ibn Zakariya Yahya ibn Ishaq. Sharh Jumal Usul ad-Din li Abi Salama as-Samarqandiy. Manuscript. Turkey, Suleymaniye Library, Raisulkuttab Section, Inv. 690.
8. Ahmet Ak. (n.d.). Mâturîdî ve Mâturîdîlik.
9. Ibn Hajar. (n.d.). Lisan al-Mizan, Vol. 5.
10. Muhammad Hifzurrahman al-Kumillai. (2018). al-Budur al-Muziya fi Tarajim al-Hanafiya, Vol. 6. Cairo: Dar as-Salih.
11. Muwafaq ibn Ahmad ibn Muhammad Makki. (n.d.). al-Manaqib, Vol. 2. Muassasat an-Nashr al-Islami.
12. Muhammad ibn Muhammad ibn Shihab ibn Yusuf al-Kardari. (n.d.). al-Manaqib al-Kardariya fi Sirat al-Imam Abi Hanifa, Vol. 2.
13. Kamal al-Din al-Bayadi. (2007). Isharat al-Maram. Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiya.
14. Muhammad Ayyub. (n.d.). Aqidat al-Islam wal Imam al-Maturidi.

#### REFERENCES

1. Abul Hasanat Muhammad Abdulhayy Lucknawi. (n.d.). Al-Fawa'id al-Bahiya fi Tarajim al-Hanafiya. Cairo: Dar al-Kutub al-Islamiya.
2. al-Zabidi, Muhammad Murtada. (n.d.). Ithaf as-Sada al-Muttaqin, Vol. 2. Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiya.
3. Ya'qub al-Hamawi. (1906). Mu'jam al-Buldan, Vol. 1. Cairo: Tahsin Yazici.
4. Muhammad Muhraus Abdullatif. (1977). Mashayikh Balkh minal Hanafiya wa ma Infaradu bihi minal Masail al-Fiqhiya, Vol. 2. Baghdad: ad-Dar al-Arabiya lit-Tibaa.





ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг  
профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# МОТУРИДИЙЛИК



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

3/2024

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Фуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 16.10.2024 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 1/8.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 23/1.

Баҳоси шартнома асосида.

«Standard Poligraf Service»

МЧЖ қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.

100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12Б.